

Неъматларни асрайлик!



17:00 / 23.03.2022 2442

Молик ибн Назла розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига эски кийимда келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан сўрадилар:

-Молинг борми?

-Ҳа!

-Қанақа туридан?

-Ҳар қанақа туридан. Туя, қул, от ва қўйлар...

-Агар Аллоҳ сенга мол берса унинг таъсири устингда кўриниб турсин!

Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси эса бобосидан ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Аллоҳ таоло неъматни асарини бандасининг устида кўриниб туришини яхши кўради!».

Неъматни кўрсатиш унинг шукрининг бир қисми ҳисобланади. Аллоҳ инсонга мол ато қилса у яхши кийимлар кийиши лозим. Яхши кийим бошқа, қиммати бошқа. Турли маркалар, брендлар ва мода орқасидан югуриш, бозорда гўзал ва бежирим кийимлар бўлатуриб турли брендларни қимматга сотиб олиш аҳмоқлик ва исрофдир. Афсуски, турли брендларни инсонлар бойларнинг пулини шилиш мақсадида ўйлаб топишган. Фақирлар эса бунга алданиб қолишган. Бугун ҳатто ёшлар фахрланиш учун кучи етмайдиган нарсаларни ҳам сотиб олишга уринишмоқда. Бугун қизларимиз фақатгина «Шанель» ва «Диор»нинг сумкаларини кўтаришмоқда. Тўғри, гўзаллик яхши, аммо зўрма-зўракилик ёмон!

Неъматни зоҳир қилишда муҳтожларга ёрдамлашиш бор. Тўғри, яширин садақа Аллоҳга мақбул ва суюкли. Аммо инсон бойликда маълум бир даражага етганида кўпчилик манфаати етадиган умумий лойиҳаларга пул тикишга мажбур бўлади. Шифохона қуриш, узоқ қишлоқларда артезиан қудуғи ковлаш, масжид қуриш, қуръон ёдлатиш курслари учун бинолар қуриб бериш, мактаблар қуриш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу каби ишлар Аллоҳ таолонинг: «Садақани ошкора қилсангиз қандоқ ҳам яхши!», оятининг остига киради. Аллоҳ берган ҳар-бир нарса неъмат. Неъматларга шукр қилиш ҳам ўша неъматлардан!

Шифокорда бир ойда бир кунини беморларга бепул хизмат қиладиган кун қилиб қўйиш имкони бор. Университет профессорида лекциясига узри туфайли кела олмаган талабаларга аудиториядан ташқарида лекция ўқиш имкони бор. Мансабдор ва нуфузли кишиларда бир бечоранинг мушкулотини ҳал қилиш учун ўртакаш бўлиш имкони бор. Бой савдогарда ҳар ой ифбатли бир фақирнинг оиласини таъминотини қилиб туриш имкони бор. Корхона раҳбарида Рамазон ойида ишчиларга енгиллик бериш имкони бор. Ишчиларга масъул шахсда ишчилар билан суҳбатлашиш, ҳазиллашиш ва уларга лутф ила муомала қилиш имкони бор...

Хуллас, Аллоҳга олиб борадиган йўллар махлуқлар нафаси миқдоричадир. Шукр қилинадиган ҳар қандай неъмат муҳофаза қилинади. Неъматларни асрайлик!

Абдулқодир Полвонов